РЕСПУБЛИКАМИЗ УЛУҒ БАЙРАМГА — МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

● ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ ТАНТАНАЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ.
● ШОДИЁНАЛАР МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БОШЛАНАДИ.
● 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ КЕЧҚУРУН ТОШКЕНТ ДА ҚАТТА МУШАКБОЗЛИК БЎЛАДИ.

● БАЙРАМ КУНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИ, АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР МАЙДОНИ ҲАМ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА БАҒИШЛАНГАН ҚАТТА ШОДИЁНАЛАР МАСКАНИГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 158 (21. 257) 1992 йил 12 август, чоршанба ●

ОБУНАЧИГА—1 СУМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

● 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир А. Муталов раислигида Мустақиллик байрамини ўтказиш ташкилий комитетининг мажлиси бўлди. Унда республикамизда, жумладан, Жиззах ва Наманган вилоятларида Мустақиллик куни байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан кишилар ташкилий комитетнинг 1992 йил 3 августда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган қарорга биноан штаблар тузилгани, иш режаси тайёрланиб, бажаришга киришилганини таъкидладилар.

Вилоятларни ҳамда Тошкент шаҳрини ораста лаш ва безатиш ишлари 25 августгача якунланади.

Мустақиллик байрамига Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан меҳмонлар келишади. Уларни кутиб олиш ва жойлаштириш тадбирлари белгиланди.

Байрам кунларида шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида пойтахт савдо ташкилотлари тегишли тадбирларни амалга оширадилар. Барча районлар, маданият ва истироҳат боғларида, майдонларда, маҳаллаларда озиқ-овқат ва саноат моллари, вилоятлардан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кенг кўламдаги савдоси уюштирилади.

31 август куни озиқ-овқат дўконлари кеч соат 22 гача, саноат моллари дўконлари эса одатдагидан бир соат кўп ишлайди.

Республикамизнинг Мустақиллик майдонида истиқлол, тинчлик ва ҳамкорлик мавзуида катта байрам тадбири ўтказилади. Унда серқуёш диёримизнинг таниқли санъат усталари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор дасталари, барча вилоятлардан келган ижодкорлар қатнашадилар.

31 август ва 1 сентябрь кунлари намойиш этиладиган барча спектакллар, бадиий фильмлар меҳмонларга бепул кўрсатилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорат комитетининг раиси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. С. Самандаров, К. Н. Тўлаганов, А. Н. Возненко қатнашдилар.

(ЎзА).



● Мустақиллик майдонида.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. ЎзА.

● *ХДП ҳаётидан*

САФДА ЁШЛАР КЎП

Пойтахтдаги 6-шаҳар шифохонасида янги партия билетларини топшириш маросими бўлди. Унинг қатнашчилари тиббиёт ходимларига яратиб берилаётган қатор имтиёзлар учун республика ҳукуматига миннатдорчилик билдириб, ғамхўрликка жавобан эл соғлиғини янада яхшироқ муҳофаза этишга ҳаракат қилажакларини айтишди.

Худди шундай тадбир республика мевачилик ва сабзавотчилик саноати концернида ҳам бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар аҳолини сифатли мева, консервалар билан таъминлашга эришишнинг долзарб вазифалари, муаммолари ва уларнинг самарали ечимлари хусусида фикр алмашдилар. Эл-юрт дастурхонини тўкин қилишда кичик цехлар, қўшма корхоналар қурилишини тезлаштириш ва фаолиятини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Иккала йиғилишда ҳам Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов маъруза қилиб, ҳозирги иқтисодий оғир шароитда ХДП аъзолари олдида турган вазифалар, уларнинг республика мустақиллиги бир йиллик тўйига қўшадиган ҳиссалари тўғрисида гапирди. У янги ҳужжатларни топшираётуриб, партия сафларида ёшлар кўпайиб бораётганидан мамнун эканлигини айтди.

Партияга аъзолик билетларини топшириш пайтида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ҳ. Абдураимов ва Яккасарой район партия кенгаши биринчи котиби З. Давронов иштирок этдилар.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШОДИЁНА МАРКАЗИ— МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

Республикамиз Мустақиллик кунининг бир йиллигига тайёргарлик кўрмоқда. Табиийки, Ўзбекистон пойтахти тантаналар маркази бўлади. Бу ерда байрам тадбирларини ўтказиш штаби тузилган. Етакчи режиссёрлар, сценарийчилар, пойтахт театрларининг балетмейстерларидан иборат катта ижодий гуруҳ иш олиб бормоқда. Байрам кунларида шаҳар катта саҳна майдонига айланади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон, даги юзлаб артистлар ва ҳаваскорлик жамоалари бу ерда кўрсатиш учун томошалар дастурларини тайёрламоқдалар. Театрлаштирилган томошаларда иштирок этиш учун МДҲ давлатларидан таниқли артистлар таклиф этилган. Қўшни Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқларининг санъати кенг намойиш этилади.

— Мустақиллик кунининг тантанали қисми Ўзбекистон пойтахтининг Бош майдони— Мустақиллик майдонида бошланиши рамзий маънога эга, — деди байрам томошаларининг бадиий раҳбари ва бош режиссёри Рустам Ҳамидов. — Ҳозир бу ерда оммавий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, бир неча қурилиш трестлари шу иш билан банд. Улар томошабинлар учун минбарлар барпо этишяпти, майдонни обод қилишяпти. Майдоннинг ўртасига Ўзбекистон мустақиллиги рамзи бўлган муваққат ёдгорлик ўрнатилади. У диаметри олти метр келадиган катта шар шаклида бўлиб, унда республика харитаси акс эттирилган. Бу ерда 31 август куни байрам мушакбозлиги бошланади. Шу мушакбозлик сценарийси ишлаб чиқилди. Лекин асосий тадбирлар эртасига бўлади. Етакчи ижодий жамоалар Ўзбекистон пойтахти аҳолисига ва меҳмонларига ўз маҳоратларини намойиш этади. Республика драма ва музикали театрларининг артистлари ҳамда хонандалари улкан театрлаштирилган томошада иштирок этадилар, бу томошалар халқимиз тарихининг асосий босқичларини ҳақида ҳикоя қилади. Шонли сана шарафига тантанали салют берилади, миллий рамз билан безатилган бир неча ҳаво шарлари осмонга кўтарилади.

1 сентябрь куни кечқурун Тошкент осмонини катта мушакбозлик ранг-баранг қилиб ёритади. Бутун шаҳар байрамга мослаб безатилади, юзлаб байроқлар кўтарилади, ҳаво шарлари учирилади, чироқлар порлайди. Анҳор соҳили оммавий халқ сайли майдонига айланади. Анҳор бўйида павильонлар, очиқ концерт майдончалари жойлашади. Тошкентнинг ҳар бир райони бу ерда ўз ютуқларини кўрсатиши мумкин, район маданият уйларининг ҳаваскорлик артистлари алоҳида томошалар кўрсатадилар. Халқ усталари ясаган буюмларнинг кўргазма-савдоси ташкил этилади. Аскиячилар катталарни ҳам, болаларни ҳам қувноқ ҳазил-мутоибалар билан кутиб оладилар.

Байрам кунлари Халқлар дўстлиги майдони ўз номига тўла мос бўлади. Кўп сонли миллий маданият марказлари бу ерда ўз павильонларини очадилар. Уларда фольклор-этнографик жамоалари республикада яшовчи халқларнинг санъати, турмуши ва анъаналари билан таништирадилар. Ўзбекистон Миллий боғи ўз байрам дастурини тайёрлаган. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали олдида таниқли ўзбек шоирлари ўлкамиз мустақиллигига бағишланган шеърларини ўқиб берадилар. Боғда сув спорти байрами бўлади.

Шаҳардаги энг яхши майдонлардан бири — Алишер Навоий номли театр майдони болалар ихтиёрига бериб қўйилади. Бу ерда ёш тошкентликлар учун театрлаштирилган томошалар бўлади. Дастурга болалар ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, хилма-хил кўргазмалар, танловлар ўтказиш киритилган. Цирк артистлари ва қўғирчоқ театри артистлари томошалар кўрсатадилар.

Овқат шинавандалари учун ўзбек таомлари байрами тайёрланмоқда. Тошкентнинг марказидаги фақат ниёдалар учун ажратилган кўчаларда истаган киши энг яхши ошпазлар тайёрлаган палов, кабоб, Шарқ қандолатларидан татиб кўришлари мумкин бўлади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Топган—бир даста гул...

● Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллигини нафақат ўзбек халқи, балки Ўзбекистонда яшаб турган барча халқлар чин юракдан байрам қиладилар. ХДП Фарғона шаҳар кенгаши ишчи гуруҳи мустақиллик байрамига бағишлаб ишлаб чиққан тадбирларда ана шу фикр қизил ип бўлиб ўтган.

Зеро, бу — Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча халқларнинг энг катта байрами бўлиб, у халқлар дўстлиги ва биродарлигининг ўзига хос тантанасига айланиб кетади.

Фарғона шаҳрида юзга яқин миллатдаги кишилар яшайди. Бу ерда уларнинг уюшмалари иш олиб бормоқда. Тадбирларга кўра ўзбек, рус, татар, корейс, немис бадиий ҳаваскорлик ансамблари шаҳарнинг йирик концерт залларида кенг программада концертлар берадилар. Уларнинг қўшма концертлари ҳозирнинг ўзидаёқ «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фарғона нефтеоргсинтез» корхоналари клублари саҳналарида намойиш этиляпти.

Ишчи гуруҳи аъзолари жойларда бўлиб, Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган лекция ва суҳбатлар уюштиряптилар, корхона ва ташкилотлардан тушган маблағлар ҳисобига зориққан кам даромадли оилаларга ёрдам уюштирмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари маҳалла ва уй-жой мавзеларида турли миллатлар орасида дўстлик, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича кенг ташвиқот ишларини олиб боряптилар. Бу борада шаҳар худудидаги Ленинобод қишлоқ Шўроси ҳамда 13-маҳалла комитетининг раислари М. Эргашев ва А. Қодировлар олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

1 сентябрь — республикамиз Мустақиллиги байрами куни. ХДП Фарғона шаҳар кенгаши бу байрамни юксак савияда ўтказиш учун барча ишларни қилмоқда.

Л. ДЕНИСОВА,
Ўзбекистон ХДП Фарғона шаҳар кенгаши иккинчи котиби.

ОЛИЙ КЕНГАШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ҲИНДИСТОНГА САФАРИ

Ҳиндистон Республикаси парламентининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг делегацияси 11 август куни Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетди. Делегацияга Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев бошчилик қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков, Олий Кенгаш Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг аъзоси, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Турдиқулов, Олий Кенгаш Мандат комиссиясининг котиби, Халқ демократик партияси Бухоро райони кенгашининг биринчи котиби С. Т. Жўраева, Олий Кенгаш Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси давлат назорати комитети Қўқон шаҳар инспекциясининг давлат назоратчиси Б. Тўйчибоев ва Олий Кенгаш Ёшларга доир сиёсат комитетининг аъзоси, Уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилояти кенгашининг раиси С. У. Усмонов ҳам делегация сафида Ҳиндистонга йўл олдилар.

Ўзбекистон парламенти аъзоларининг Ҳиндистонга сафаридан кўзланган асосий мақсадлардан бири — мамлакатимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу дўстлик Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўтган йилнинг августида Ҳиндистонга қилган сафари чоғида сифат жиҳатидан янги босқич билан бойитилди.

Сафар чоғида парламент аъзоларининг Ҳиндистон олий мартабали раҳбарлари ва бир қанча штатларининг раҳбарияти билан учрашуви, Ҳиндистон парламентининг иши билан танишиши, шунингдек Ҳиндистон мустақиллигининг 45 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Делегацияни Тошкент аэропортида Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги мухтор вакили жаноб Ашок Мукержи ҳам кузатиб қолди.

● «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «1992 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТУГАЛЛАШ ВА ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК!

Дилимиздаги гап бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш чоралари тўғрисида»ги қарори кўпчиликни қизиқтирмоқда. Унда бир қатор район ва вилоятларда сусткашлик, бепарволик, бетартиблик бўлаётгани, ғўза баргини тўктиришга тайёргарлик кучайтирилмагани, пахта териш техникасини, созлаш ишлари чўзилиб кетгани таъкидланди. Шу билан бирга теримда қатнашадиганларга қулай шароит яратиш, иш ҳақини кўпайтириш кўзда тутилди. Бу табиийки, механизатору теримчилар ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Бу ҳақда Навбаҳор районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчиси Турсун МАҲМУДОВ бизга қўнғироқ қилиб бундай деди:

— Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори мени ва мусобақадошларимни қувонтириб юборди. Ахир қувонмай бўладими? Тўрт қаторли машинада терилган бир тонна пахта учун камида саксон сўм, икки қаторли машиналарда терилган бир тонна пахта учун юз сўм, қўлда терилган бир килограмм пахта учун камида икки сўм ҳақ тўланмоқчида.

Устига-устак бизга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб бериш, айниқса қишлоқ хўжалиги ходимларини уч, гуруч, шакар, кир ювиш воситалари ва бошқа кундалик зарур моллар билан таъминлаш масалалари қаттиқ назорат остига олинади.

Бундай ғамхўрликка жавобан биз, механик-ҳайдовчилар куч-ғайратимизни тобора кўпроқ сарфлаб улкан хирмонлар бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшамиз. Мен ўтган йили ҳам хўжалигимиз хирмонига баракали ҳисса қўшганман. Тўрт қаторли терим машинам билан 200 тонна пахта териб бердим. Албатта, буни хўжалигимиз раҳбарияти муносиб тақдирлади. Менга «Жигули» автомашинаси совға сифатида топширилди.

Мусобақадошларимдан Хўжа Нурназаров, Эрмат Ерматов, Рашид Носиров ва бошқалар ҳам ўтган йили ўз агрегатлари бункеридан кўплаб пахта тўкишди. Бу йил уларнинг ҳар бири 200 тоннадан, мен эса 250 тонна пахта териб беришга аҳд қилдик.

Умуман бу йил хўжалигимизда барча майдонлардаги ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилди. Айни пайтда далада бironта бегона ўт кўринмайди. Ғўза баргини чилпиш қизғин давом этмоқда. Дефолиацияга тайёргарлик давом эттирилаётир. Дорилар шайлаб қўйилди. Иккита «ОВҲ—14» агрегати таъмирланди. Хўжалигимиз бўйича 800 гектар майдондаги пахта машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади. Шу боис 10 та пахта териш машинаси шайланиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

Хуллас, хўжалигимиз пахтакорлари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги нишонланадиган йилда баракали меҳнат қилмоқдалар.

● *СПОРТ* ●

ТОШКЕНТ ОЛИМПИАДАНИ ЧОРЛАЙДИ

● БАРСЕЛОНАДА ўтказилган ёзги олимпиада мустақил Ўзбекистон мутахассисларига кўпгина нарсаларни ўргатди. Ташкилотчи-мутахассисларимиз Испания сафари чоғида олимпиадани ташкил этиш билан боғлиқ кўпгина юмушларни ўргандилар ва Тошкентнинг 2000 йилда бўлажак йирик халқаро спорт анжуманини ўтказишга даъвогарлиги билан боғлиқ муаммоларни ечишга ҳаракат қилишди.

Ўзбекистондан борган вакиллар, хусусан Тошкентнинг олимпиадага даъвогарлиги бўйича ташкилот қўмитаси раиси У. Эштоевнинг мутахассис-мутаасддилар билан ўзаро учрашувларидан кейин кўпгина муаммоларга ойдинлик киритилди. Тошкент олимпиада ўтказишга бежиз даъвогарлик қилмаётганлигига халқаро спорт ташкилотлари раҳбариятида ишонч ҳосил бўлди. Мустақил мамлакатимизда Тошкент олимпиадасини ўтказиш учун қонун-қоидага кўра халқаро олимпиада қўмитаси ҳисобига гаров тариқасида юз минг доллар ўтказиб қўйишга имкони борлиги маълум қилинди.

Тошкентнинг олимпиада ўтказишга даъвогарлиги ва дадил ташаббусининг ўзимизга хос одамохунлик билан уйғунлашуви Барселона сафари чоғида кўплаб дўстлар орттиришга имкон берди. Чунончи, хамир учидан патир деганларидек енгил атлетика бўйича халқаро уюшма президенти Небиоли билан халқаро футбол уюшмаси президенти Авеланж Тошкентда йирик халқаро мусобақалар ўтказишга розилик билдиришди. Келаси йил баҳорида енгил атлетика бўйича Тошкентда халқаро мусобақа ўтказилади. Бу мусобақага халқаро олимпиада қўмитасининг барча аъзолари таклиф қилинади. Шунингдек, футбол бўйича «Қанотлар хотираси» халқаро турнири уюштирилади. Бу мусобақа авиация ҳалокатида ҳалок бўлган футбол жамоалари, хусусан собиқ пахтакорчилар хотирасига бағишланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг маълумотлари асосида ва «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 21 ҳамда 49-моддаларига мувофиқ Тошкент шаҳрида яшовчи, 1992 йил 9 август куни Тошкент шаҳар 35-Профессор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган Тошкент давлат университетининг ректори **Жўраев** Тўхтамурод Жўраевич ҳамда Тошкент шаҳрида яшовчи, 1992 йил 9 август куни Тошкент вилояти 83-Қорахитой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **Муталов** Абдулҳошимни рўйхатга олди.

• *Яйлов муаммолари*

● Томдибулоқнинг битта асоосий кўчаси бор. У ҳам бўлса чўлдан бошланиб, чўлга бориб тақалади. Унинг икки қанотига пастак-пастак бир қаватли уйлар жойлашган. Икки қадам наридаги Навоий, Зарафшон сингари замонавий шаҳарларни ўтиб борган киши бу ерга келганида дастлабига ўзини бошқа бир хароб мамлакатга келиб қолгандек ҳис қилади. Биз ҳам аввал бир неча кун Зарафшон шаҳри билан танишиб, кейин Томдибулоққа келгандик. Бу икки жойнинг ўртасидаги фарқни 20 километрлик масофа эмас, балки 200 йиллик бутун бир давр ажратиб тургандек туюлди назаримизда. Чўпонларнинг ҳузурига отланаётиб шу фикримизнинг район ҳокимининг муовини Темирбек Санғизбоевга айтганимизда, у бир зум ўйланиб турдида, кейин алам билан шундай деди:

— Тўғри айтдингиз, бу ердаги ҳаёт юз-икки юз йил олдин қандай бўлса шундайлигича давом этаётгандай. Қичқирса овоз етадиган жойдаги Зарафшон эса биз ҳатто орзу ҳам қилолмайдиган даражада обод. Ахир Томди ҳам, Зарафшон ҳам битта чўлда бунёд бўлган-ку, иккови ҳам олтин ва уран маъданли замин устида-ку. Фарқимиз — Томдида чорвадорлар, Зарафшонда эса олтин ва уран қазиб чиқарувчилар яшайдилар, холос. — Сўнгра у афсус оҳангда гапида давом этди. — Ҳозир сизлар район марказидаги аҳволни кўриб ачиняпсизлар. Буниси ҳали ҳолва. Яйловдаги ҳаёт бундан ҳам беш баттар. Зарафшон билан Томдибулоқ ўртасида ер билан осмонча фарқ бўлса, район маркази билан овуллар ўртасида ҳам мана шундай фарқ...

ТОМДИНИНГ БАРДОШЛИ ОДАМЛАРИ

ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

Темирбек Санғизбоев ҳаётнинг текис-равон йўлларидан эмас, пастбаланд, ўйдим-чуқур сўқмоқларидан юриб, қандай оғирчиликлар бўлса ҳаммасини кўраверіб, пишиб кетган одамлар сирасидан. Қизилқумда бормаган қудуғи, кўрмаган яйлови йўқ. Қўйчилик, йилқичилик илмини «сув қилиб ичиб юборган» катта тажрибали мутахассислардан. У чўлда ташкил этилган «Қинир» йилқичилик совхозида директор район ижроқўмида раис бўлиб ишлади. Ҳозир эса район ҳокимининг муовини. Хизмат вазифаси тақозоси билан бутун умри яйловларда ўтади. Шу сабабли чўлда оддий кишилар ҳаёти нақадар оғирлашиб кетганини, уларнинг нималарга кўпроқ муҳтож эканлигини яхши билади.

— Яхшиси, ҳозир мен сизларга ҳеч нарса айтмай, — деди у.—Яйловларни кўриб, чўпонларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиб қайтинглар. Сўнг бафуржа ўтириб, яна бир карра шу мавзуда гаплашиб олармиз...

Чўл сув айқириб оқадиган, боғроғли, соя-салқин, обод қишлоқлардан эмас. Қаёққа қараманг, баланд-баланд қум тепалари, қуёш аёвсиз қиздириб, одамнинг эт-устихонигача жизғинак қилиб ташлайдиган, эртакларда айтиладиган «одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган» чексиз-ҳадсиз саҳро. Одам бир ҳўплам сувнинг қадрига шу ерда етади, сув бор жойда ҳаёт ҳам бўлишига шу ерда ишонч ҳосил қилади. Мана шу сабабли ҳам қаерда қудуқ қазилган бўлса, ўша ерга ўтов тикилган, овул пайдо бўлган, чўпоннинг қишлови, яйлови, кузлови ҳам шу ер ҳисобланган.

Қудуқдан қудуққача эса ярим кунбир кунлик масофани босиб ўтишга тўғри келади. Ёз чиллада бу ерларда кундузлари ҳаёт тўхтайди. Одамлар чанқароғи тортилган, эталари кўтариб қўйилган қигиз деворли қора уйларда, қўй-қўзилар эса устига шох-шабба уйилган атрофи очиқ бостирмалар остида жон сақлайдилар.

— Чўпон ҳам, қўй ҳам кун тиғида дам олади. Бу саҳронинг удуми, — биз биринчи бўлиб учрашиб, суҳбатлашган Жабай Балиманов номли давлат хўжалиги чўпони Жума Ойтуғанов суҳбат пайтида шундай деди. — Фақат кечки салқиндагина қўйни ўтлоққа ёйишга имкон туғилади.

Ойтуғановнинг 665 бош қўйи бор. Топиш-тутиши яхши. Айниқса, қоракўл тери, жун ва гўштнинг харид нархи оширилгач, даромадга яна даромад қўшилди. Хўжалик кассири авваллари маош улашганида унга 5—10 сўмликларни санаб берган бўлса, энди бели синмаган тахламтахлам юз сўмликларни бериб кетади.

— Мана ўша пуллар, — Ойтуғанов тўрдаги кўрпалар тахидан бир даста пулни олиб дастурхонга тўкди. — Ҳаммаси шу ерда. Аммо сарфлайдиган жой бўлмаса бундан менга, оилама нима фойда? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ишим тушиб Томдибулоққа боргудек бўлсам, бола-чақага у-бу нарса олирман деб чўнтак тўлдириб пул кўтариб бораман. Қаёқда дейсиз, дўконлар қупқуруқ, сотувчилар пашша қўриб ўтиришибди. Одамнинг юзига қарагани уялишади, бечоралар. Қани энди тўкин-сочинлик бўлса-ю, сизларга ўйнаб-кулиб хизмат қилсам дейишади. Ҳозир осмон узоқ, ер қаттиқ бўлган замон. Уларга ҳам қийин. Аммо халққа бундан ҳам оғир бўлиб кетди. Ўзингга керак нарсани тополмайсан, топгудек бўлсанг, нархи чақиб олади...

Шу хўжаликнинг 2-фермаси мудири Зархун Бойбўсинов билан чўпон Олдар Тойлоқовнинг гаплари Жумабойникидан ҳам ошиб тушди. Бу ерда оддий савол-жавобдан бошланган суҳбат кенгайиб, унга янгиянги одамлар қўшилиб, бутун бир даврага айланди.

— Муаммоларимизни сўраяпсизми? — заҳархандалик билан кулиб туриб деди Зархун Бойбўсинов. — Муаммоларимиз кўп-у, аммо уни ҳал қилиб берадиган одамлар камда. Мана масалан, чўпон деганнинг 60 фоиз қисми ёзда ҳам, қишда ҳам қора уйларда яшайди. Ёз-ку, майли-я, амал-тақал қилиб кун ўтказса бўлади. Бироқ 20—30 даражали совуқда бола-чақалар билан кигиз ўтовда яшашнинг ўзи бўладими? Аммо на илож, яшашга мажбурмиз. Чунки ғиштли уй-жойлар қуриш совхозда ҳам, районда ҳам бутунлай тўхтаб қолган.

— Манави уйнинг кигизини кўряпсизми? Илма-тешик бўлиб кетган, — мудирнинг гапини давом эттирди Олдар Тойлоқов. — Эскини ямагунча эсинг кетади, дейишарди, жуда ҳам тўғри гапиришган экан. Бундай уйлар илгари Қоғозистонда ишлаб чиқариларди. Ҳозир уларнинг нархи 50 минг сўмга кўтарилиб кетган. Оддий одамларнинг янги уй сотиб олишга бели чидамайди. Бунинг устига Қозоғистон ҳам бу уйларни бизга сотмай қўйди. Республикамизда эса қора уй ишлаб чиқарадиган корхонанинг ўзи йўқ.

— Бу масалани ҳал қилишнинг қандай йўли бор, деб ўйлайсиз?

— Йўлими? — З. Бойбўсинов шу муаммо ҳақида кўпдан бери мулоҳаза қилиб, миясида пишитиб юрган экан-ми, ўйланиб ҳам ўтирмай шарта-шарта айта қолди. — Йўли осон—Томдида қора уй тайёрлашни йўлга қўйиш керак. Районимиз чорва райони, жун кўп етиштирилади. Шу жуннинг 15 фоизи районда олиб қолинса, бир йилда 150 тоннага етади. Қўшни Учқудуқ ва Конимех районларидан ҳам шунчадан жун келтирилса, эҳ-ҳе, корхона бир йиллик маҳсулоти билан бутун бир вилоятни таъминлаши мумкин. Бунинг устига эшитишимча, Томдибулоқнинг ўзида етти юздан кўпроқ ишсиз бор эмиш. Оппа-осонлик билан вужудга келтирилиши мумкин бўлган корхона район марказидаги ана шу энг катта муаммони ҳам ҳал этиш имконини беради-ку!

Жабай Балиманов номли совхознинг 3-фермаси хўжалик марказидан 90 километр узоқда. Бу ерга ёзда етиб бориш қийин. Борса ҳафтада бир марта қатнаб сув ташийдиган «вездеход» юк машиналаригина боради. Асосий транспорт — мотоцикл, от ва туя. 8120 бош қўй боқилаётган ферма яйловларидаги қудуқларнинг суви эса аччиқ-шўр. Уни қўйдан бошқа мол ичмайди. Шу сабабли асосий мол ҳам ана шу қўй-қўзилар. Чўпонларнинг ўзлари эса хўжалик марказидан ташиб келинадиган сув билан тирикчилик қилишади. Бунинг устига шўр сувли қудуқларнинг чуқурлиги 100—150 метр. Қўлда сув тортиб поданинг чанқовини босиш қийин. Шу сабабли чўпонман дегани ўзини эҳтиёт қилмаса қилмайдики, аммо қудуққа ўрнатилган сув тортадиган моторли насосни кўз қорачўғидек асрайди.

—Етишмовчилик ва қимматчилик ана шу кунимизни ҳам кўп кўрди. Энди моторни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, арқон билан челакда сув тортишга мажбур бўляпмиз, —ферма мудири Камол Кўчекбоев «уф» тортаркан, дардини тўкиб солди.— Тушунмадингиз-а? Ҳозир тушунтириб бераман. Мотор ва насос дегани бензин билан ишлайди. Бензин бўлмаса унинг бир парча темирдан фарқи қолмайди. Ҳозир эса нима қиммат — бензин қиммат. Бунинг устига саҳро шароитида у ҳам анқонинг уруғига айланиб қолди. Ёнилғисиз қолгач мотор ишламай қўйди. Худди шу сабабли электр движоклар ҳам юрмай, чўпон кечда қорачироқ ёқишга мажбур бўляпти.

Бозор иқтисоди, нарх-навонинг осмонга чиқиб кетгани оддий чўпонлар бошига жуда ҳам оғир зарба бўлиб тушганини яйлов кезиб, шу ернинг ҳаёти билан яқиндан танишган одам билади. Мисол излаб узоққа бормай, ҳозиргина К. Кўчекбоев эслаган мотор масаласини олайлик. Битта ана шундай моторнинг давлат нархи илгари 500 сўм эди, бозор иқтисодиёти «шарофати» билан у 25 минг сўмга чиқиб кетди. Бунинг устига мотор резина камар билан ишлайди. Аввалари хўжалик таъминотчи ташкилотларга ҳар бир метр камар учун 25 тийиндан пул ўтказарди. Энди эса камида 30—40 сўмдан нақд пул тўлашга мажбур бўляпти. Ҳар йили минглаб метр резина камар узилиб-йиртилиб тургач, мана шу матоҳнинг ўзига озмунча пул ҳаржланмайди.

Яна бир муаммо: қўй жунини қирқадиган битта агрегатнинг баҳоси 600 сўмдан 60 минг сўмга кўтарилди, бошқача айтганда 100 баробар ошиб кетди. Бояги мотор сингари бу агрегат ҳам ҳар бир отарда бир-иккитадан бўлиши шарт. Бўлмаса қирқим пайтида 600—700 бош қўйнинг жунини бир-икки кунда олиб тугатиб бўлмайди.

Тўғри, қўйчилик соҳаси учун ғоят зарур бўлган, чўпоннинг оғирини енгил қиладиган техника воситаларини амалда давлат хўжаликлари сотиб олиб, қўйчивонларни таъминлашлари лозим. Бироқ, ана шу техникани ишлатиш муддатлари қатъий қилиб белгилаб қўйилгани сабабли вақтидан илгари ишдан чиққан мотор, насос, агрегат ва бошқа асбоб-анжомларни тузатиш, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш, агар уни таъмирлашнинг иложи бўлмаса янгисини харид қилиш чўпоннинг зиммасида бўлиб келган эди, ҳозир ҳам шундай. Бу — оддий ҳақиқат. Ундан кўз юмиб бўлмайди. Ана шундан кейин бозор иқтисодиёти сабабли нарх-навонинг юзлаб баравар ошиб кетгани тўқмоғи кимнинг бошига зарба бўлиб тушаётгани, кимларнинг кўпроқ жабр тортаётгани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ҳозир чўпон бир ойда нари борса 3—4 минг сўм маош оляпти. Бироқ, у ана шу даромаднинг катта қисмини оиласи, бола чақасининг оғзига тутолмай, рўзғорини бут қилолмай, хўжалигидаги кам-кўстларни тўлатиш учун сарфлашга мажбур бўлмоқда.

Саҳро одамларнинг бағри ғоят кенг бўлади. Бир тишлам гўшту, бир бурда нонга тоқат қилса қиладики, дастурхони бўшлигидан, устбоши йиртиқ-ямоқлигидан асло нолимайди. Буни биз уч кунлик сафар чоғида дилдан ҳис этдик. Яйловларда кимлар билан учрашган бўлсак, улар худди масвақатлашиб олгандай суҳбатни рўзғорлари камчилиги хусусида эмас, совхоз ва район миқёсида ҳал бўлмаётган масалалар ҳақида тўхталдилар. Мана шу муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун ёрдам беришимизни қайта-қайта илтимос қилдилар.

— Тўғри, ҳозир осмон узоқ, ер қаттиқ бўлган давр. Бу бутун элнинг бошидаги марака, — деди Жабай Балиманов номли давлат хўжалиги партия ташкилотининг котиби Серик Сангариев. — Аммо, мана шу нуқсонларга, муаммоларга кўникиб яшаб ҳам бўлмайди. Бугун бу муаммолар чўпонларнинг бўғзидан олиб, қуруқ дастурхонга қаратиб қўяётган экан, эртани кўзлаб яшаш қийин. Қўйчивон тўқ бўлса, эл-юрт ҳам тўқ бўлади, деган гап бор халқимизда. Шунинг учун ҳам оз-оздан бўлсада, олдимиздаги муаммоларни ҳал этиб боришимиз керак. Тўғри, кучимиз етганини ўзимиз тўғирлаяпмиз. Аммо вилоят, республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг ечимини топишда ҳоким ва ҳокимликларнинг, вазирликнинг кўмаги айниқса, зарур бўлиб турибди.

Р. ТУРСУНОВ,
Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

● СУРАТДА: Самарқанд тўқувчилик-атторлик буюмлари фабрикаси ўроб цехининг илғор ишчиси —уста ёрдамчиси Бахтиёр Ҳамроқулов. У ўроб машиналарининг бир меъёрда ишлашини таъминлашга эришмоқда.

F. АЛИЕВ туширган сурат.

• *Муштарий минбари*

ДИЛ СЎЗИМ

Умрим меҳнат билан ўтди. Ҳар бир куним газета билан мазмунли. Хусусан «Ўзбекистон овози»нинг доимий муштарийсиман. 1940 йилдан бери муттасил шу газетага обуна бўлиб келяпман. Газетанинг босиқлиги, вазминлиги, очиғини айтганда, унда ишлайдиган ижодкорларнинг масалага холисона ёндашиб, етти ўлчаб бир кес, қабилида мақолалар тайёрлаётгани ҳамиша ўзига ром этади.

Отахон газетанинг ўзига хос тили ва равон йўлидан бугунги журналистлар ибрат олса арзийди. Мен ҳам ўз вақтида ундаги мақолалардан ўрганиб маҳаллий газеталарда публицистик чиқишлар қилганман. Биламан, ҳозир ҳамма қатори журналист жамоалари ҳам қийин кунларни бошдан кечиришяпти. Иқтисодиётдаги тақчиллик сабабли «Ўзбекистон овози»нинг молиявий аҳволи унчалик яхши эмас. Бу—биз, фахрийларни ташвишлантирмоқда. Миннатдор ўқувчилар республика бош газетасининг ночор аҳволда қолишига сира йўл қўймаймиз, деб жуда тўғри айтмоқдалар. «Ўзбекистон овози»нинг обуна баҳоси кескин ошиб кетган бўлсада минглаб муштарийлар ўз ихтиёрлари билан йилнинг қолган ойлари ва 1993 йил учун газетага ёзилдилар. Мен ҳам фахрийлик маошимдан газетага обунани расмийлаштирдим.

Исом ЖАЛИЛОВ,
меҳнат ва уруш фахрийси.
ХДП аъзоси, Қарши шаҳри.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЯПОНИЯ ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛАДИ

Яқин келажакда собиқ СССРнинг тўртта республикасида — Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Украинада Япония элчихоналари очилади. РАТА-ТАСС мухбирининг «Иомиури» газетасига асосланиб Токиодан хабар қилишича, Япония Ташқи ишлар вазирлиги шу ҳақда қарор қабул қилган.

СССР тарқалиб кетганидан сўнг Япония деярли барча янги мустақил давлатлар билан тезда дипломатия муносабатлари ўрнатди. Озарбайжон билан Арманистон бундан мустаснодир. Бироқ Токио бу республикалар билан дипломатия алоқаларини шу вақтгача Японияниинг Москвадаги элчихонаси орқали амалга ошириб келди, бу собиқ СССР ҳудудидаги Японияниинг бирдан-бир элчихонаси эди.

РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШУВ

«Синьхуа» Хитой Ахборот агентлиги журналистларининг гуруҳи Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташрифдан мақсад республика билан танишиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларининг раҳбарлари Хитой журналистлари билан суҳбатлашдилар. Меҳмонлар мусулмон руҳонийлари вакиллари билан учрашдилар.

— Мустақиллик эълон қилинганидан кейинги ўзгаришлар Ўзбекистон ҳукумати турмушнинг барча соҳаларини демократиялаш йўлига қатъий амал қилаётганини кўрсатмоқда, — деди «Синьхуа» агентлигининг Москвадаги бўлими раҳбар мухбири Вань Чэнцай. — Бизнесда хусусий ишбилармонларга кенг имконият яратилган, Ўзбекистон иқтисоднётининг аста-секин бозорга ўтиш жараёни давом этмоқда. Буларнинг ҳаммаси икки давлатимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш имконини беради. Ҳозир биз Тошкентда «Синьхуа» агентлигининг бўлимини очиш масаласини ўрганяпмиз.

(ЎзА).

Фарғона вилояти, Учкўприк мева-сабзавот консерва заводи хом ашё қабул қилиш режасини бажарди. 249 тонна ўрнига 278 тонна ўрик, 70 тонна ўрнига 72 тонна бодринг қабул қилинди. Корхона 19 минг банка консерва ишлаб чиқариш ҳаракатида.

Ҳозир дастлабки консервалар керакли маҳсулотларга алмаштириш тартибида Ҳамдўстлик давлатларига юборила бошланди.

СУРАТДА: тайёр маҳсулотларни жўнатиш пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• *Олий таълим: ўзгаришлар йўли*

● Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан тўла таъминлаш мақсадида қатор янги олий ўқув юртлари очилди. Жумладан, Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуни Андижон бўлими негизида Андижон иқтисодиёт ва бошқарув билимгоҳи, Андижон пахтачилик олий билимгоҳи негизида Андижон қишлоқ хўжалик билимгоҳи, Андижон Давлат муаллимлар илмгоҳи негизида Андижон Давлат дорилфунуни барпо этилди.

Андижон қишлоқ хўжалик олий билимгоҳининг ректори, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Абдураим Худойбердиевич МАМАДАЛИЕВ билан суҳбатимиз янги олийгоҳ хусусида бўлди.

ҲАМКОРЛИКДА ИШ БИТАДИ

— Собиқ пахтачилик олий билимгоҳи қишлоқ хўжалик олий билимгоҳига айлантирилди. Бу ўзгаришнинг афзаллиги нимада, у қандай имкониятларга йўл очади?

— Бу олий билимгоҳнинг номини шунчаки ўзгартириш бўлиб қолмай, аксинча, имкониятларнинг янги уфқларини очади. Республикада пахта яккахокимлиги қандай, ҳукмрон бўлса, бизнинг олий билимгоҳ йўналиши ҳам фақат пахтачилик билан боғлиқ эди. Асосан пахтачилик агрономлари, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича мутахассислар тайёрларди. Олийгоҳнинг номига қараб қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашга рухсат берилмасли. Шундай бўлса-да Фарғона водийси агросаноат комплекси ва давр талабидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти, бухгалтерия ҳисоби, мева-сабзавотчилик ва узумчилик каби мутахассисликлар тайёрлашга киришдик.

— Пахтачилик соҳасида қандай илмий ишлар қилинди?

— Олимларимиз гидролиз заводларининг чиқиндиси — лигниндан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш масаласи, ғўзанинг ҳосилдорлигини ошириш, вилтга чидамлилиги муаммолари билан боғлиқ ҳолда озиқлантириш режимини мувофиқлаш масалалари, чигитга экиш олдидан параминбензой кислотаси (ПАБК), «Стимул—1» дориси билан, шунингдек, электромагнит майдонларини таъсир эттириб ишлов бериш масалаларини ўргандилар. Олимларимиз ўз олдиларга толаси IV ва V типга молик бўлган тезпишар ғўза навларини яратиш вазифасини қўйганлар. Бу борада самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида истиқболли «АИХ» туркум навлари етиштирилди ва давлат нав синаш тармоғига топширилди. Пахтачиликда юқори қалинликда (гектарига 250 — 300 минг туп) кўчат сақлаш мақсадида ярим пакана ва пакана бўйли ғўза навларини яратиш устида ҳам бир неча намуна қаторлари яратилди. Уларнинг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлиги, толасининг технологик хусусиятлари ўрганилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу усул енгил тупроқли зоналарга қўл келади.

— Илмгоҳ олимлари томонидан ишлаб чиқилган илмий тавсиялар, энг муҳими, уларни ҳаётга жорий этиш самараси ҳақида нима дея оласиз?

— Юқорида айтиб ўтилган мавзулар бўйича билимгоҳимиз олимлари илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини ишлаб-чиқаришга жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор берадилар. Кейинги йиллар мобайнида ишлаб чиқилган 15 дан ортиқ илмий тавсиялар қишлоқ хўжалигида қўлланиш учун қабул қилинди. Нашриётларда илмий монография ва тавсиянома қаклида чоп этилди. Жумладан, гидролиз саноати чиқиндиларини пахтачиликда қўлланиш, маккажўхорини жадал технология асосида етиштириш, қишлоқ хўжалик машиналарининг мустаҳкамлиги ва ишга чидамлилигини ошириш, сувдан илғор усулларни қўлланиб, тежабтергаб фойдаланиш, ғўза зараркунандаларига қарши кураш бўйича берилган тавсияларни кўрсатиб ўтиш лозим. Билимгоҳимизда йирик Бутуниттифоқ илмий анжуманларини ўтказиб туриш одат тусини олди.

— Қайси хўжалик билан ҳамкорликда иш олиб борилди ҳамда қандай натижага эришилди?

— Олимларимиз ҳар йили хўжаликлар билан тузилган шартнома асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар. Агрономия куллиётининг олимлари вилоятимизнинг Пахтаобод районидаги «Маданият» давлат хўжалиги, Избоскан районидаги Бобур номли, Асака районидаги «Ғалаба» жамоа, Наманган вилоятининг Задарё районидаги «Наманган» давлат хўжаликлари, Олтинкўл районидаги хўжаликлар билан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигини механизациялаш куллиётининг олимлари машиналар чидамлилигини ошириш, ишлаш муддатини узайтириш бўйича трактор корхоналари билан олиб борган ишлари ёки гидромелиорация куллиёти кафедраларида бажарилган сув ресурсларидан унумли фойдаланиш бўйича ишлаб-чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда бажарилган ишларни айтиш мумкин.

— Ўқув-тажриба хўжалигининг фаолияти Сизни қониқтирадими?

— Бу хўжаликнинг асосий мақсади талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билимларини тўлақонли эгаллаш жараёнини амалий фаолият билан боғлаб боришдир. Шу боисдан ҳозирги кунда бу ерда қарийб ўттиздан ортиқ турдаги ўқув-дала амалиётлари ўтказилади. Талабаларимиз қишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришнинг бошидан охиригача барча жараёнлари билан тўла-тўкис танишадилар ҳамда бажаришда қатнашадилар. Ўқув-тажриба хўжалигининг ҳозирги ҳолати бизни қаноатлантирмайди. Экин майдонининг камлиги, бир қатор қишлоқ хўжалик экинлари турларининг экилмаслиги, ўқув-тажриба хўжалигининг ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарининг тўла мажмуасига эга бўлган илғор технологияларни жорий этишга ва талабаларга кўрсатишга, уларда тўлақонли билим доирасини яратишга ва илғор, ҳозирги замон талабига мос усулларда ўқитишга имкониятимизни чегаралаб қўйяпти. Шунга қарамай, бу жойни амалий ўқув ва илмий -тадқиқотлар ўтказиш маскани даражасига кўтариш учун бор имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

— Бозор иқтисоднётига ўтилиши муносабати билан ҳаёт жуда мураккаблашиб кетди. Фермерлик хўжаликларининг энг мақбул тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни илмий асослаш устида қандай изланишлар олиб борилляпти?

— Билимгоҳимиздаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш ва ҳисоблаш техникаси кафедрасининг олимлари вилоятимиз қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ташкил этиш масалаларини чуқур ўрганмоқдалар. Бу борада тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ижара услуби ўзининг тўла ишлаб чиқилган тизимига эга бўлмаганлиги оқибатида яхши самара бермаяпти. Мақсадли ижара ёки эркин ижара усулларини тўла ўрганиш, унинг асосий принципларига риоя қилишгина кўзланган мақсадга эришиш имкониятини беради. Иқтисодчи ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича мутахассис-олимларимиз ўзларининг илмий тавсияларини ишлаб чиқмоқдалар, иқтисодиёт ва бошқарув бўйича Фарғона водийси хўжаликларида махсус ўқишлар ташкил этмоқдалар. Илмий-ишлаб чиқариш анжуманларида маърузалар билан қатнашмоқдалар.

— Келгусида қандай янги куллиётлар очилади? Режаларингиз қандай?

— Ҳозирги кунда ипакчилик, зоотехника ва ветеринария соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида тараққиёт йўлига чиқиб олганлиги олдимизга ғоят катта ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтан назардан қараганда асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги учун зарур бўлган ва ҳозирги талабларга тўла жавоб бера оладиган чуқур билимли етук мутахассис-кадрлар тайёрлаб беришдан иборат. Бу мақсадга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Билимгоҳнинг моддий техника базасини янада мустаҳкамлашимиз, ишлаб чиқариш билан алоқани янада яхшилаш зарур, деб ҳисоблайман. Ўқитишнинг сифатига эътибор бериш, унинг прогрессив усулларини топиш ва ўқув жараёнига татбиқ қилиш зарур. Илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган олимларимизга ҳар томонлама қулай шароит яратиб беряпмиз. Улар бошлаган илмий ишларини охирига етказишяпти. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, яқин йиллар ичида олий билимгоҳимизни етук мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлайдиган дорилфунунга айлантиришдек эзгу ниятимиз бор.

Суҳбатдош:
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БАРС»НИНГ МУРУВВАТИ

● Тошкентдаги балоғатга етмаганлар учун мўлжалланган қабул қилиш ва тақсимлаш уйининг тарбияланувчилари ҳар хил фасон ва рангдаги чиройли спорт футболкалари кийишди.

«Ўзбекистон» акционерлик жамияти «Барс» савдо уйи кўндан бери ўз васийлигида бўлган болаларга ана шундай совға туҳфа этди. Бунинг учун чет элдан 15 минг сўмликдан кўпроқ болалар спорт кийимлари сотиб олинди.

Тошкентлик тожирлар тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган ўғил ва қиз болалар қисматини озгина бўлсада енгиллаштиришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар. Яқинда улар тақсимлаш идораси ҳисобига анчагина пул ўтказдилар, бу пул рангли телевизор, китоблар, расм чизиш учун керакли буюмларни сотиб олишга имкон берди.

«Барс» Ўзбекистондаги энг йирик савдо уйларидан биридир. У халқ истеъмоли молларини улгуржи харид қилиш ва сотиш билан шуғулланади. Фойданинг бир қисми ҳамиша меҳр-мурувват ишлари учун ажратилади. «Барс» келгусида республикадаги бошқа болалар уйларига ҳам мунтазам ёрдам бермоқчи.

(ЎзА мухбири).

Шарофнома

● Шароф Рашидов шахси хусусида инсоф ва диёнатидан кечган айрим «арбоб»лар адашганда ҳам халқимиз заррача адашган эмас. Халқимиз Шароф Рашидовга бўлган ихлос ва сўнмас муҳаббати ва ихлосидан бир қадам ортга чекинган эмас!

(Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш комиссиясининг Очиқ хатидан).

● Ш. Рашидов М. Исматовга қаҳрамонлик Олтин юлдузини топширмоқда. (Бу сурат 1974 йилнинг 23 февралида Тошкентда олинган).

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

ШАРОФ Рашидовнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс. У киши пахтачиликдаги бирор янгилик, бирор тажрибани назардан четда қолдирмасдилар. Фойдаси тегадиган иш бўлса, албатта, шахсан бориб кўрардилар. Бундан ташқари меҳнаткашлар орасида бўлиш, уларнинг кўнглини кўтариш, оғирини енгил қилиш, кўмак беришга доимо вақт топардилар.

Эсимда, 1968 йил 25 август куни 23 та раисни йиғиб, собиқ Калинин, ҳозирги Зангиота районидаги хўжаликка бордилар. Хўжаликнинг Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли лаборатория ерида марҳум Содиқ Мираҳмедовнинг тажриба участкасида А. П. Алимов бошчилигида 108-Ф билан Тошкент—1, 2, 3 навлари синалган ерларни кўрдик. У ерда 108-Ф нави билан ёнма-ён Тошкент—1, 2, 3 нави экилган ерни кўриб беҳад хурсанд бўлдик. 108-Ф пахта навининг 95—97 фоизида вилт касаллиги бўлиб, ўтин шаклига келган. Тошкент—1, 2, 3 навида эса бутунлай касаллик аломатлари кўрилмасди. Мен Содиқжондан ҳали районлашмаган бўлса ҳам шу Тошкент —1, 2, 3 навли пахта уруғидан бизга 50 гектар ерга экиб кўриш учун беришни илтимос қилдим. У қийинчилик билан рози бўлди.

1969 йили колхознинг 7-бригадасида 12 гектар ерга Тошкент—1,20 гектар ерга Тошкент—2 ва 7 гектар ерга Тошкент—3 экилди. Ҳаммаси бўлиб 39 гектар ерга уруғ етди, холос. Чигит апрель ойи охирларида экилди, тупроқнинг ўз намига чиқмади. 15 майда сув қўйиб, чигитни ундириб олдик. Гектар бошига ўртача кўчат сони 38—40 минг тупни ташкил этди. Унга ишлов бердик. Колхозимиз илгаридан экиб келинаётган навлардан 32 центнердан ҳосил кўтарди. Тошкент навидан 39,5 центнердан ҳосил олдик.

Биз 1969 йили Тошкент — 1, 2, 3 навли пахтани териб олиб, ўзимизда, қўшни «Ленинизм», ҳозирги А. Ортиқов номли жамоа хўжалигида, шунингдек Янгийўл районидаги мавжуд хўжаликларнинг 1 тадан бригадасида экиш учун уруғ тарқатдик. Уруғ камлиги учун кўп ерга етказиш мақсадида чигит нормаси кам экилди. Бизда 830 гектар, А. Ортиқов номли жамоа хўжалигида 1200 гектар, райондаги хўжаликларнинг биттадан бригадасида ана шу навли уруғ экилди. Чигит экилган ҳамма ерда хата униб чиқди, яъни 38—40 минг туп кўчат қолди. Лекин 1970 йил 28 майда ўртоқ К. К. Куричкин ҳамда А. Е. Дудколар келиб, мен ҳамда бошқарма бошлиғи Комилжон Азимов бўлиб тўртталамиз биргаликда Тошкент—1, 2, 3, навлари экилган ерларни кўрдик. К. Куричкин ва А. Дудко Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик Бош бошқармасининг мутахассислари сифатида Ш. Рашидов топшириғи билан пахтани кўриб чиқишгач, 5 июнгача ҳамма экилган пахта майдонларини бузиб, эски пахта навини экишни таклиф қилишди. Бузиб экмасангиз сизни ишдан бўшатиш ҳақида Ш. Рашидовга айтамиз, дейишди. Мен вақт ўтганлигини, пахта майдонларини бузмаслигимизни айтиб, ишдан бўшатишларига рози эканлигимни айтдим.

4 июнь куни Ш. Рашидов ўртоқ М. Мусахонов билан бирга колхозимизга келиб, пахта майдонларни айланиб кўришди. Ш. Рашидов мендан мутахассислар келиб пахталарни кўрдими, деб сўрадилар. Мен келиб кўришганларини айтдим. Ш. Рашидов улар нима дейишганини сўрадилар. Мен пахтани бузмаслигимиз ҳақида уларга айтдим, дедим.

— Планингиз неча центнер? — деб сўрадилар Ш. Рашидов.
— 32 центнер.
— План бажариладими?
— Албатта.
— Мажбурият-чи?
— Бажарилади.
— Мажбурият қанча?
— 35 центнер.

Шуни таъкидлашим керакки, Ш. Рашидов келганларида кайфиятлари ниҳоятда паст, ўзлари жуда диққат эдилар. Мен план ҳам, мажбурият ҳам бажарилишини айтганимдан сўнг у кишининг чеҳраси очилди ва хурсанд бўлиб мен билан қўл олишдилар. Кузда яна учрашамиз-а, дедилар. Мен, албатта, деб жавоб бердим.

Ўша куни Оққўрғон районида катта йиғилиш бўлди. Ш. Рашидов шу йиғилишда сўзга чиқишимни айтдилар. Мен келгуси йиғилишларда сўзга чиқишимни, бугун эса сўзга чиқмасликни у кишидан илтимос қилдим.

— Сиз нима учун бизни чалғитяпсиз, биз ҳозиргина келишдик-ку? — дедилар у киши.

Мен пахтамизнинг аҳволи ҳозирги кунда бутун областимизда энг пасти эканлигини айтдим.

— Шунинг учун ҳам, албатта, гапирасиз, — дедилар. Мен сўзга чиқишга мажбур бўлдим.

Йил якунланди. Ҳосилдорлик 41,6 центнерга етди. Республика, область, район ва хўжаликлар планларини ортиғи билан бажардилар. Бироқ биз пахтани батамом тозалаб териб олмай, кузги шудгорлаш ишларини бошлаб юбордик. Чунки пахта плани ҳамма жойда бажарилгач, одамларни ишга жалб қилиб, пахтани териб олиш амри маҳол эди.

Ўша даврда қўшни Қозоғистон Республикасидан келган раҳбарлар биздан шудгорда қолиб кетган пахталарни кўриб, териб олишга рухсат сўрашди. Пахта бекорга нобуд бўлмасин, деб уларга териб олишлари учун рухсат бердик.

Қозоғистондаги қўшни район ҳам планини бажарди. Ҳар куни 120—160 автобус одам тонг қоронғусидан келиб, кечгача пахта териб кетарди.

Шундан сўнг устимдан Москвага ариза тушган. Декабрь ойларида мени Ш. Рашидов тўсатдан чақириб қолдилар. Бордим. Қўлимга конверт тутқаздилар ва шу ростми, деб сўрадилар.

— Рост, —дедим.

— Нима сабабдан у ёққа пахта бердингиз?

— Шароф ака, қўшни бўлганимиздан кейин зарур вақтида биздан ҳам ёрдамларини аямаганлар. Биз ҳам ёрдам беришимиз керак-да!

Ш. Рашидов мен билан Тошкент—1, 2, 3 навлари тўғрисида суҳбатлашдилар. Нима учун ҳосилдорлик шунчалик тез кўтарилганлигини сўрадилар. Мен бу навнинг афзаллик томони, биринчидан, вилтга ўта чидамлилиги, иккинчидан, ҳосилдорлиги бошқа навларга нисбатан бир ярим-икки баробар ортиқ эканлигини айтдим. Ш. Рашидов ўша заҳотиёқ республика Министрлар Советининг Раиси муовини Габрильянци чақиртирдилар. У киши келиб саломлашгач, ўртоқ Маҳмуд Исматов шундай деяпти, деҳқонбобо, шу тўғрими? деб сўрадилар. Габрильянц гапим мутлақо тўғри эканлигини айтди.

— Бўлмаса, колхоз ўзига уруғ олиб қолгач, қолган уруғнинг ҳаммаси Андижон областига берилсин, — деб топшириқ бердилар. Бундан кейин Наманган, Фарғона, Жиззах, Тошкент областларининг вилтли ерларига шу пахта навидан экилсин, — деб таклиф киритдилар.

Мени Рашидовга ишончим беҳад катта. У киши К. Куричкин ва А. Дудколар айтган таклифга дабдурустдан рози бўлмай, сўзларимни эътибор билан эшитдилар. Ишондилар. У кишининг ишончлари кўпчиликка қанот берганини, маҳоратини ишга солиб баракали ишлашга ундаганини кўп кўрганман.

Пахтачиликни юксалтириш йўлида зукко олимларимиз қанчалаб меҳнат сарфлашганини, бу йўлда қанчадан-қанча тўсиқларга учрашганини яхши биламан. Янгиликлар, кашфиётларнинг ҳаётга йўлланма олишида узоқни кўра билган раҳбар Шароф Рашидовнинг ҳиссаси беқиёс.

Истеъдодли ёзувчи Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» асари ҳам бевосита ана шу воқеаларга дахлдордир. Ёзувчи Ўктам Усмоновни ёшлигидан яхши билардим. У қишлоқ меҳнаткашлари даврасида ўсиб-улғайди. Натижада унинг биринчи романи «Гирдоб» юзага келди. Асарда бизнинг хўжаликдаги воқеалар ўз аксини топган. Буни Ўктамжон ўзи бир неча бор айтганди. Романда воқеалар жуда ишончли, кенг қамровли тарзда берилган. Пахтакорларнинг, пахтачилигимизнинг муаммолари, ташвишларини кўтариб чиққан ажойиб китоб. Ўктамжон хўжалигимизда кўп бўлган. Меҳнатимизни, дардларимизни, қувонч ва ташвишларимизни ўз кўзи билан кўриб, таъсирчан, эл дилидан, хусусан қишлоқ аҳли дилидан жой олган асар яратди. Ёзувчи укамизни оллоҳ раҳмат қилсин.

Бир кунги суҳбатимиз Чуст районидаги ғўза суғориш усули ҳақида бўлди. Шароф ака сувнинг қадр-қиммати ниҳоятда юқорилигини айтиб, сув эмас, сувдан олдин нам юбориб суғориш усулини бизга тушунтирдилар.

ХЕЧ эсимдан чиқмайди. 1975 йили пахтага ишлов бериш даврида хўжалигимизга келиб, пахтакорлар билан далада учрашиб, менга машинабоп пахта етиштириш кераклигини, эндиги вазифа пахтани фақат машиналар ёрдамида теришга ўтишни ташкил қилиш эканлигини айтдилар, умуман пахта етиштиришда кўп ишлар механизация бўйнига қўйилиши лозимлигини таъкидладилар.

Ўша вақтлардан бошлаб пахта етиштиришни механизация асосида олиб боришга қарор қилдик, пахтани машинабоп қилиб етиштиришда колхозчиларимиз анча тажриба ортирдилар. Ўша йиллари 50—60 фоиз пахта машиналар ёрдамида терила бошлади. Ҳозирги кунда эса пахтанинг асосий қисми — 80 фоизи ва ундан ортиғроғи машиналар билан териб олинмоқда.

Пахта машиналар ёрдамида терилганида мактаб ўқувчиларини ва четдан ёрдамчи теримчилар олишга ҳожат қолмайди. Бунинг устига йиғим-терим эрта тугалланиб, колхозчиларимизнинг қишки дам олишларига қулайликлар яратилади.

Афсуски, Ш. Рашидов ўлимидан кейин собиқ марказ — Москва раҳбарлари томонидан «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деган бўҳтонлар уюштирилди. Натижада барча вилоятлар, туманлар, хўжаликларнинг 90 фоиз раҳбарлари жавобгарликка тортилди, ишдан четлаштирилди. Бунинг устига бўхтончилар пахта ўзбек халқини харобаликка олиб келди, деган даъволарни қилдилар, пахта етиштиришни кескин камайтириш масаласини кўтариб чиқдилар.

Республикамиз раҳбарлигига кўтарилган Ислом Каримов пахта етиштиришни кескин камайтирмай, ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига аста-секин пахта майдонларини камайтириш йўлини тутдилар. Менимча, оқилона тадбир бу.

Шароф Рашидов республикамизда пахта етиштиришни ривожлантириш билан бир қаторда дон етиштиришни кўпайтиришга ҳам катта эътибор бердилар. Ўша йилларда ҳам пахта, ҳам ғалла шиори кўтарилди, дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан бирмунча тадбирлар тузилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада 1982—1983 йилларда республикамизда дон етиштириш 3 миллион тоннага етказилди.

Халқнинг гуручга бўлган талабини қондириш юзасидан катта ишлар олиб борилди. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Амударёнинг қуйи оқимида шоличилик учун ерлар ўзлаштирила бошлади, инженерлик, ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилди, шоличиликка ихтисослаштирилган каттакатта давлат хўжаликлари ташкил этилди. Натижада республикамиз шоли етиштиришни 500 минг тоннага етказиш имкониятига эга бўлди. Бунинг ҳисобига гуручга бўлган эҳтиёжимиз қондирила бошланди.

Оролнинг қуриши ерларнинг ўзлаштирилиши, шоличилик ва бошқаларнинг эвазига бўлмоқда, деб Ш. Рашдовга айб қўйиш мутлақо нотўғри. Орол денгизи сувининг камайиб кетишида нафақат Ўзбекистоннинг, балки қўшни мамлакатларнинг ва республикаларнинг ҳам айби бор. Яъни, Афғонистон ва бошқа Ўрта Осиё республикалари ҳам Амударёнинг сувини кўплаб чўлларни ўзлаштиришга буриб юбордилар.

Шароф Рашидов суғориладиган майдонларда маккажўхори дони етиштиришга катта аҳамият берди, бу ишни ёшларга ишонч билан топширди. Ҳам пахта, ҳам чорва чақириқлари кўтарилди. Маккажўхори дони экиш учун, пахта-беда алмашлаб экиш учун алоҳида далалар ажратилди.

1983 йилга келиб маккажўхори дони етиштириладиган майдонлар 300 минг гектарга етказилди, ҳосилдорлик кўтарилди.

Ш. Рашидов сабзавот, полиз боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини кўтаришга ҳам катта ҳисса қўшганлар. Республикамизда алоҳида мева ва сабзавотчилик министрлиги ташкил этилди. Бу министрлик кўплаб мева ва сабзавотга ихтисослашган хўжаликларни қамраб олиб эски боғларни реконструкция қилиш, янги боғлар ташкил этиш, мева, сабзавот ва полиз экинларини кўпайтиришга қаратилган анча яхши талабларни амалга оширди. Натижада мева ва сабзавот майдонлари кенгайтирилди, ҳосилдорлик ошди, ишлаб чиқариш кескин кўпайди.

Ш. Рашидов республикамиз қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма тармоқларини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У катта давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда умрининг кейинги йилларида республикамизда қишлоқларни социал ривожлантириш комиссиясига шахсан ўзи раҳбарлик қилди. Кўриладиган масалалар қишлоқларни ободонлаштириш, йўл қурилиши, газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббиёт, мактаб, болалар боғчалари, кутубхоналар қуриш, умуман қишлоқда яшаётган аҳоли турмушини яхшилашга қаратиларди.

Ш. Рашидов камтарин, халқпарвар раҳбар, Ўзбекистон келажаги учун куч-ғайрат сарфлаган, республикамизда яшаётган барча халқларнинг севимли отахони эди.

1987 йили Картошян бошчилигида Гдлян-Иванов группасининг бошлиғи мени етти мартаба тергов қилди. Тергов даврида шундай савол берди:

— Ўзбекистонда пора олмайдиган, пора бермайдиган ўзбек борми?

Мен, ўзбек халқига бу қандай ҳақорат, деб сўрадим. У ўзбекнинг янги туғилган боласи ҳам пора оладиган ва пора берадиган, деди. Мен, халқимизни шунчалик ҳақорат қилганингиз учун тарих олдида жавоб берасиз, дедим.

У яна ўзбекларни алоҳида сим ўралган жойда сақлаш ва ишлатиш таклифини киритди. Мен ҳеч қачон бундай бўлмайди, деб айтдим.

Мени тергов қилаётган вақтида Л. И. Брежнев билан Ш. Р. Рашидовнинг катта расмларини ерга ташлаб қўйди. Мен унга, сен ўзингни Сталин билма, Сталин бўлолмайсан ҳам, Олдимга ўтириб мендан сўра, кўзимга қара, қўлимга қара, дедим.

Ш. Рашидов 75 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақидаги қарорнинг аҳамияти шундаки, у фақат Ш. Рашидов номини кўтариб, улуғлаш эмас, балки бутун ўзбек халқини батамом оқлаш ва уни рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Бу катта хизматлари учун Президентимиз ўртоқ Ислом Каримовга катта раҳматлар айтаман.

Маҳмуд ИСМАТОВ,
Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, жумҳурият халқ депутати, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг фахрий академиги.

АСАКАДА ХИТОЙ МАТОЛАРИ ДЎКОНИ

● Асака шаҳрининг марказий деҳқон бозори ёнида Хитой моллари сотиладиган катта дўкон очилди.

Гап шундаки, бундан бир неча ой мўқаддам Шинжонг-Уйғур Мухтор районининг вакиллари Асакада бўлиб, шаҳар ҳокимлиги билан турли соҳаларда алоқа ўрнатиш истагини билдирган эдилар. Шундан кейин Асака шаҳри делегацияси Хитой Халқ Республикасининг Ёркент шаҳрига бориб иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақидаги шартномани имзолашди. Ҳужжатда қўшма корхоналар ташкил этиш, Ёркентда «Асака» дўконини очиш, иккала шаҳарда умумий овқатланиш тармоқларини вужудга келтириш кўзда тутилган.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ҲАРБИЙ ЛИЦЕЙ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Фарғонадаги рус тили чуқур ўрганиладиган ва ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кучайтирилган республика маҳсус мактаб-интернати тугатилди. Унинг негизида ўқувчиларни ҳарбий касбга тайёрлайдиган республика лицейи очилди.

— Янги ташкил этилган лицейнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси, ҳамдўстлик мамлакатларидаги олий ҳарбий-ўқув юртларига кириш учун номзодларни ҳар томонлама тайёрлашдан иборат, — деди лицей директори заҳирадаги капитан М. Мамажонов. — Шу муносабат билан лицейнинг уч йилга мўлжалланган ўқув дастурига кўра, умумтаълим фанлари, бошланғич ҳарбий-жисмоний тайёргарликдан ташқари инглиз ва араб тилларини чуқур ўрганишга катта эътибор берилади. Шундай ўқув юртларида ишлаб тажриба орттирган кишилар педагоглар жамоасига ва тарбиячи зобитлар штатига қабул қилинди. Лицейда фан кабинетлари ва зарур ҳарбий-амалий ўқув базаси мавжуд.

Ҳозир ўрта мактабларнинг саккизинчи синфини битирган ва саломатлиги армияда хизмат қилишга яроқли ҳисобланган ёшларнинг биринчи курсга кириб ўқиш ҳақидаги аризалари қабул қилинмоқда, — деб ёзади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири. Шароит тенг бўлганда етим болалар, кўп болали оилалардан келган болалар, қишлоқ жойлардан келган йигитлар, инглиз тилини биладиганлар лицейга биринчи галда қабул қилинади. Лицейга қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар. Лицейни битириб чиққанлар ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома оладилар.

НАСОС ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ

Солдатскоедаги (Тошкент вилояти) тажриба-механика заводи республикада марказдан қочирма насослар ишлаб чиқарадиган биринчи корхона бўлди. Бу маҳсулотга истеъмолчиларнинг талаби катта.

Таъминот қийинчилиги заводни насосларнинг бир қисмидан металл прокати, қувурлар, швелерлар сингари тақчил молларни сотиб олиш мақсадида бартер битимлари тузишга мажбур қилмоқда. Жамоани таъминлаш учун насослар озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотларига ҳам алмаштирилмоқда. Бунинг учун атрофдаги хўжаликлар билан шартномалар тузилди.

Корхона директори С. Абдиев буларнинг ҳаммаси ноиложликдан кўрилаётган тадбирлардир, деб ҳисоблайди. Шундай вақт келадики, завод ўз маҳсулотини фақат пулга сотади. Аммо ана шу пулга корхона ўзи учун зарур барча нарсаларни сотиб олиши мумкин бўлган вақтдагина ана шундай бўлади.

(ЎзА).

● ЎТМИШ САДОСИ

ИСЛОМБЕК ТЕМУРИЙ ЭРДИ...

● Ўзбекистон археология илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Амириддин Бердимуродов Фарангистонга қилган сафаридан Амир Темур авлоди вакилининг суратини олиб қайтди.

Ўтган ойнинг охирида Парижда «Самарқанд ва Суғдиёна қадимда ҳамда ўрта асрларда» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлди. ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтган бу конференцияда Осиё, Араб ва Европа мамлакатлари билан бир қаторда жумҳуриятимиз олимлари ҳам иштирок этдилар. Тўпланганлар А. Бердимуродовнинг чиқишини ғоят қизиқиш билан тингладилар.

— Делегациямизга академик А. Асқаров раҳбарлик қилдилар, — дейди Амириддин. — У кишининг фидойилиги, баҳслардаги дадиллиги туфайли Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тарихи маданиятини ўрганиш халқаро илмий-тадқиқот институти очилиб, кузда расман иш бошлайди.

Дарвоқе, Парижда А. Бердимуродов темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш уюшмаси президенти профессор Ле Керен билан яқиндан танишди. Ле Керен самарқандлик олимга темурийлар авлодининг сўнгги вакилларидан бири Исломбек Худоёрхон суратини совға қилди.

Маълум бўлишича, Исломбек Самарқандда туғилган, Петербургда таҳсил кўрган. Тақдир тақозоси билан Афғонистонга ўтиб қолган, Узоқ йиллар давомида Афғонистоннинг Франциядаги элчихонасида атташе бўлиб ишлаган. 1990 йилда Парижда вафот этган.

Фаранг профессори ўзбекистонликларга Исломбек ҳаёти ҳақида батафсил маълумот бериш ниятида эканлигини айтди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ХАЙРЛИ ИШЛАР

● Собир Раҳимов район, Қорасарой кўчасидаги 22-марказ мавзесида 13, 36-ва 103-уйлар ва эски маҳалладаги хонадонлар бирлашиб катта маҳаллага айланди.

Янги Наврўз маҳалласи аҳолиси шу кунларда Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрамига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Бу хайрли ишлар учун ўзига яраша бино лозим эди. Аҳоли бир ёқадан бош чиқариб, Тошкентнинг турли лойиҳалар институти эгаллаб турган эски чойхона биносини қайтариб олишни талаб қилди. Юғур-юғурдан кейин бу мўъжаз бинога эга бўлишди. У кўримсиз, охори кетган ҳолда эди. Аҳоли ўз маблағи, ускуналари ва ғайрати билан ана шу чойхонани қайта таъмирламоқда. Маҳалла клуби биноси чирой очмоқда. Унинг атрофида ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ,
маҳалла фаоли.

● Газетамизнинг шу йил 8 июль сонида чоп этилган «Торглар керакми?» сарлавҳали мақолада Қарши шаҳридаги қатор савдо ташкилотларида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш талабга жавоб бермаслиги, кундалик эҳтиёж моллари келтирилмаётганлиги ва магазинларда жумҳурият давлат тили ҳақидаги Қонун суст бажарилаётганлиги танқид қилинган эди. Мақола эртасигаёқ, яъни 9 июль куни зудлик билан шаҳар ҳокимлигининг махсус кенгайтирилган барча савдо ташкилотлари, улгуржи савдо базалар раҳбарлари иштирокидаги йиғилишида чуқур муҳокама қилинди.

● *Мавзуга қайтиб*

«ТОРГЛАР КЕРАКМИ?»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ 8 ИЮЛЬ

КЎПГИНА савдо ташкилотларининг раҳбарлари мақолага нисбатан ўз муносабатларини билдирдилар. Ҳақиқатан ҳам йил бошида моллар тақчиллиги туфайли пештахталар бўшаб қолганлиги, бугунги кунда эса дўконлар қимматбаҳо саноат молларига бойиб бораётганлиги, хизматни янада яхшилаш чора-тадбирларини белгилаётганликлари ҳақида фикр юритдилар.

— Газета шаҳар савдосидаги аҳволни ўз вақтида ва ўринли танқид қилган, — деди мажлисда шаҳар ҳокими Музаффар Маҳмудов. — Шаҳар аҳолисига савдо хизмати кўрсатишда камчилик ва нуқсонларимиз жуда кўп. Мақоладан тўғри хулоса чиқариб, ўз ишимизни қайта ташкил қилмоғимиз зарур.

Ҳоким савдода меҳнат қилувчилар, аввало халқ хизматкори эканликларини унутмаслиги, халқпарвар, ширинсухан, тоза ва тўғри бўлиши, ёмон нафсли, харидорлар ҳақига хиёнат қиладиган шахсларга ўрин бўлмаслигини алоҳида уқтириб ўтди.

Йиғилиш сўнггида мақолани маълумот ва эътибор учун қабул қилиб, уни барча савдо ташкилотларида ходимлар иштирокида муҳокама этиш топширилди, ижросини назорат қилиш ҳоким ўринбосари Ж. Болтаевга юклатилди.

Шундан кейин савдо ташкилотларининг раҳбарлари «торг»лар тугаб кетармикан, деб ўринсиз хавотирга тушиб қолдилар шекилли, «ҳимоя»га ўтиб олишди. Газета таҳририяти, вилоят ва шаҳар ҳокимликларига «биз оппоқмиз», «таъминот зўр» деган бир хил мазмунда хат йўлладилар. Айниқса, «Газмол» савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Наби Йўлдошевни «ноўрин» ҳафа қилиб қўйибмиз. Жамият раиси турлитуман газмоллар, қачонки, нарх-наво осмонга чиққан, ўн-ўн беш чандон ошгандан кейингина омборлардан чиқарилиб магазинлар пештахталарига қўйилганлигини тан олгиси келмайди. Ҳолбуки, ҳозир нархи баланд лигги учун ҳам тўп-тўп газ моллар магазинларда узоқ туриб, чанг босиб ётибди. Харидоргир моллар Қарши марказий бозоридаги чайқовчилар қўлида.

Газетамиз муҳаррирлигига хат йўллаган «Қашқадарё савдо» концерни бошқаруви раиси Ф. Тошпўлатов мухбир дўконларни текширгани борганда идорадан бир вакил бўлишини шама қилган Ваҳолонки, концернинг савдони ривожлантириш ва ташкил қилиш бўлими мудири Халил Саидов биз билан бирга бўлган.

Шаҳар саноат моллари ва озиқ-овқат савдоси концернларига қарашли магазинларда аҳоли таъминоти бўйича ижобий ўзгаришлар қилинаётганлиги кўза ташланди. Айниқса, саноат моллари савдоси акционерлик жамияти, (бошқаруви раиси Раҳмат Каримов) дўконларида пештахталар тўлиқ. Лекин, моллар қиммат.

Магазинларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилган. «Зуҳра» саноат моллари магазинида биз шу ҳаракатни кўрдик. Дўкондаги бўлим ва секциялар ўзбекча номланмоқда. Ўзбек тилида иш юритиш жорий этилмоқда.

Саноат моллари дўконларида улгуржи савдо базаларининг айби билан баъзи моллар камёблиги ҳам аниқланди. Биз «Юбилей» магазинида бўлганимизда харидорлар атторлик моллари-нинг айрим турлари камёблигидан нолиб қолишди. Ростдан ҳам шундай...

— Пештахталаримиз атторлик молларига тўлиб-тошиб турса кўнглимиз чароғон бўлади, албатта, — дейди атторлик моллари бўлими мудири Муаззам Усмонова. — Афсуски, улгуржи база омборларида хилма-хил атир совун, упа, лезвие, вазилен, тиш порошоклари каби майда-чуйда молларни олиб келиш қийин бўлаяпти. Омборларда шу нарсалар бор. Фақат беришни хоҳлашмаяпти.

Шаҳардаги бошқа саноат моллари дўконларида бўлганимизда ҳам сотувчилар атторлик улгуржи савдо базаси (директори Ж. Субҳонов) шаънига ҳақли эътироз билдиришди. Хусусан «Чевар» дўкони мудири Ҳошим Қудратов ҳатто оддий атир совун, тиш ювиш порошоги таъминотида узилиш бўлаётганлиги учун харидорлар қаршисида ҳижолат чекаётганлигини ачиниш билан тилга олди.

Қарши шаҳар озиқ-овқат савдоси акционерлик жамияти (бошқаруви раиси И. Бозоров)га қарашли етмишта дўконда ҳам бир қарашда аҳоли учун кундалик озиқ-овқат моллари етарлидек. Шунга қарамай айрим дўконларда нуқсонлар бор. Тозалик унутиляпти. Пештахталардаги озиқ-овқатларнинг нарх ёрлиқлари йўқ. Биз «Табассум», «Юбилей» савдо маркази, «Лайло» ва 6-магазинда бўлганимизда ана шундай манзарага дуч келдик.

«Юбилей» савдо маркази шаҳардаги йирик дўконлардан бири. Хизмат миқёси ҳам салмоқли. Бу ерда қадоқлаб қўйилган маҳсулотлар печенье, манна ёрмаси тарозига тортиб кўрилганда ҳар қайсисидан 15—20 грамм камлиги аниқланди.

Шунингдек, магазиндаги баъзи бир товарларга нарх кўрсаткичлари қўйилмаган. Омбордаги музлатгич ишламаяпти. Натижада 1800 дона тухум ҳаво ҳарорати яссиқ бўлишига қарамай уй шароитида сақланмоқда. Афсуски, дўкон мудири Ш. Муродовнинг парвойи палак.

Айрим озиқ-овқат дўконларида рўйхатдаги маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам харидорларга ўз вақтида етказиб берилаётгани йўқ. Кир совун, шакар таъминотида узилиш бўлаяпти. Чунки танқис моллар четга чиқиб кетаётир. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги моддий бойликларни четга олиб чиқишни назорат қилувчи Давлат инспекцияси Қашқадарё бўлинмаси бошлиғи ўринбосари У. Холмуродов бизга берган биргина маълумот бунга мисол бўлиши мумкин. Шу йил 10 июль куни бўлинма ходимлари Хонобод тайёрагоҳидан учишга шайланган «Воронеж шаҳридаги «Фракт» тижорат авиакомпаниясига қарашли самолёт текширилганда 8 тонна 800 килограмм шакар қонунга хилоф равишда олиб кетилаётганда ушланди.

Шолининг ичида курмаги бўлганидек, қанчалик яширмайлик, савдодаги нуқсонларни халқнинг ўзи кўриб, сезиб турибди. Ҳозир оқни оқ, қорани қора дейдиган давр. «Ҳамма иш беш» деб таҳририятни чалғитаман деб уринманг. Яхшиси, савдо-сотиқдаги тартибсизликларни тузатишни ўйлаш керак.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАНИШИНГ: «ШАРҚ МАШЪАЛИ»



Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари адабий, бадиий ва фалсафий муаммоларини ёритишга мўлжалланган «Шарқ машъали» журналининг дастлабки сони босмадан чиқди. У Шарқ маънавий билимлари академияси ва Тошкент Шарқшунослик олий билимгоҳининг нашридир. Журналда маданиятимизнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган дурдоналаридан намуналар, йирик тарихчи ва шарқшунос олимларнинг мақолалари, илмий-маърифий чиқишларга катта ўрин берилган.

Журналдан муфтий Муҳаммад Содиқ ҳазратларининг «Дунё руҳий маданиятга муҳтож», Жамол Камолнинг «Жаҳонга йўл», Неъматулло Иброҳимнинг Миср саёҳатномаси, Нуриллахон ҳожининг «Дардингни олай, Ўзбекистоним», Бўрибой Аҳмедовнинг «Темир тузуклари» тарихий манба сифатида, Зокир Қутибоевнинг «Хожа Аҳрор мулкларининг тақдири», Темир Мухторнинг «Араб адабиётида хаётий ҳикоятлар» асарлари ўрин олган.

«Маънавий қадриятларимиз», «Диний эътиқод булоқлари», «Ғойибот сирлари» рукнларида Саййид Маҳмуд Широзийнинг Нуру-л-басар ёҳуд сийрати ҳайрулбашар», Саллиаллоҳу Алайҳивасаллам Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» асарларининг бошланиши ёритилган. Кейинги сонларда бу нодир асарларнинг давоми берилади.

— Эътиқодда Ислом динига мансуб бўлган Туркистон халқлари асрлар давомида Маккаю Мадинадан Чин-Мочингача, Ҳиндиқушдан Олтойгача ва ундан олисдаги халқлар билан қардошларча яқин муносабат ўрнатиб келган. Рус чоризмининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги халқлар орасидаги азалий дўстликни, ҳамкорликни, борди-келдини узиб қўйди. Журналнинг мақсади узилган дўстлик ришталарини қайтадан улашдир, —дейди бош муҳаррир Неъматулло Иброҳимов.

Бебаҳо маданий меросимиз дурдоналаридан баҳраманд бўлиб, фикр доирангизни кенгайтирай десангиз, «Шарқ машъали»га ёзилишни унутманг.

Ю. ЗИЁДОВ.

• Давлат тили ҳақидаги Қонун қандай бажариляпти?

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚАЧОН КИНО КЎРАМИЗ?

Ишхонамиз қаршисида Фарғона шаҳридаги энг йирик томошагоҳлардан бири — «Нурхон» кинотеатри савлат тўкиб туради. Ҳар куни у ердан ўтар эканман, беихтиёр кўзим намойиш этиладиган фильмлар номи битилган афишаларга тушади. Илгарилари афишалар ҳар бири ўқловдай рангли ҳарфларда ва албатта, катта оғаларимиз тилида ёзилган бўларди. Ҳеч кимса «ҳой, ахир бу шаҳарда ҳам ўзбек деган халқ яшайди, кўядиган кинонинг номи ўшанга ҳам тушунарли бўлсин» демасди. Мустақиллик шарофати билан энди ўша афишаларни икки тилда ёза бошлашди. Аммо кино номларининг ўзбекчаси, кўпинча ҳарфий, имловий қусурларга бой. Баъзан эса, таржималар ҳам ғирт нотўғри бўлади. Масалан, яқинда «Неустоновленное лицо» фильми номини қайси бир барака топкур «Аниқланмаган юз» деб таржима қилган ва бу антиқа, мубҳам таржима анча вақтгача афишада қизариб турди. Чала-чулпа бўлсада ўзбекча афишага кирибди-ку деган андиша дилга хиёл таскин бериб, кинотеатр ёнига борамиз.

— Опа, кино ўзбекчами? — дея сўраб қолди қишлоқдан келгани сезилиб турган ўсмир.

— Ўзбекча кинони қишлоғингда кўрасан, опоси, бу даргоҳда йигирма йил ишлаб, ҳали ўзбекча кино кўрганим йўқ,—дейди эшикбон аёл.

Ўсмир бўшашибгина узоқлашади. Аммо у шаҳардаги ўнга яқин кинотеатрларнинг қай бирига бормасин, ўз мустақил республикасининг давлат тилида кинофильм томоша қила олмаслигига мен кафил. Чунки, шаҳар кинотеатрларида ўзбек тилида кино қўйилиши жуда ноёб ҳодиса. Оқибатда худди шу ўсмирга ўхшаш ўн минглаб ёш-яланг, кекса—кино ишқивозлари ҳамон ўз тилларида фильм кўришдан маҳрумдирлар.

Ҳолбуки, кино ҳозирги пайтда томошабинни энг кўп тўплайдиган соҳа. Шанба, якшанба кунлари бир мириқиб, маданий ҳордиқ чиқарайлик, деган кишилар оила аъзолари билан янги фильмлар томошасига келишади. Афсуски, ҳамон ўша йигирма-ўттиз йиллар илгари бўлганидек, кинотеатрларимизда фильмлар фақат рус тилида намойиш этиляпти.

—«Тоҳир ва Зуҳра», «Маҳаллада дув-дув гап», «Мафтунингман», «Ёр-ёр» сингари ўзбек тилидаги чинакам ўзбекона фильмларга одамлар гуррос-гуррос бўлиб келишар, бу фильмларни кўриш байрамга айланиб кетарди, — дейди чимёнлик ўқитувчи К. Аҳмедов. — Кейинчалик эса, ўзбек тилидаги фильмлар деярлик йўқолиб кетди. Ўйлашимча, бу ҳам халқни ўз она тилидан бездиришга қилинган ҳаракатлардан бири бўлса керак.

— Биз ҳар сафар Тошкентга борганимизда йиғилишларда ўзбек тилидаги фильмларни кўпайтириш керак, деб айтяпмиз. Бу ҳам давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш, ҳам халққа маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, демакдир. Аммо бу иш дубляж билан боғлиқ. Ҳаражати кўп бўлса керак. ўзбек тилидаги картина кўпаймаяпти, — дейди вилоят кинофильмлар прокати идораси бошлиғи Г. Духов. Биз бошлиқ билан суҳбатлашиб ўтириб, вилоятга келтирилаётган фильмлар мундарижаси билан танишдик. Ўтган йили Фарғонага 278 та янги фильм юборилган. Улардан фақат 41 таси ўзбекчага ағдарилган эди. Ўзбекчага ағдарилган фильмлар эса, асосан қишлоқ жойларида намойиш қилинади. Болаларга аталган фильмлар орасида бирорта ҳам ўзбекчаси йўқ эди. Аҳвол бу йил ҳам ўзгармаган. 1992 йилнинг биринчи ярмида вилоятга 29 та янги бадиий фильм келтирилган. Булардан атиги 5 таси ўзбекчага ағдарилган, холос. Бу беш фильмдан тўрттаси ҳам эски ҳинд фильмлари.

— Нега ўзбек тилидаги фильмлар бунақа кам? Ёки буюртма бермайсизларми?

— Йўқ, гап бошқа ёқда, — дейди Духов, — Марказда ҳам ўзбекчага ағдарилган фильмлар жуда кам.

Давлат тили ҳақидаги Қонун аста-секинлик билан бўлсада амалга оширияпти. Афсуски, бадиий санъатнинг энг томошабоп соҳаси киночиликда бу борада жиддий ишлар қилинмаяпти. Ўзбек давлат кинокомпанияси, прокат ходимлари ва киночиларимиз қачон биз учун кинотеатрларда ўз тилимизда мириқиб фильмлар кўриш имкониятини яратиб бераркинлар? Ўзбек тилига ағдарилаётган фильмлар асосан Ҳиндистон маҳсулоти эканлиги таажжубланарли. Ахир, АҚШ, Франция, Япония каби кино санъати ўта тараққий этган мамлакатларда яратилган бадиий фильмларни қачон ўз тилимизда кўрамиз? Давлат тили ҳақидаги Қонунда белгиланган ҳуқуқларимиздан кино соҳасида ҳам баҳраманд бўла олармикинмиз?

А. ИБОДИНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИФОХОНА ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛДИ

● Бекобод районидаги «Далварзин» давлат хўжалигида юз ўринли шифохона бунёд этилди. Унинг очилиш маросимида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, илмий-тадқиқот институти, район ташкилотлари ва меҳнаткашлар вакиллари қатнашди.

Сир эмас, нарх-наво юқорилаб кетган ҳозирги шароитда чоғроқ қурилишга ҳам қўл уриш қийин. Лекин бу шифохона фақат ҳашар йўли билан ростланиши ўзига ҳос аҳамият касб этди. Уни тиклашда райондаги давлат ва жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ўз маблағ ва техникаси билан ҳисса қўшишди.

Шифохона замонавий тиббий қурилмалар, асбоб-анжом ва малакали мутахассислар билан таъминланди. Кўпроқ дам олиш масканига ўхшаб кетадиган шифохонага жойлашган беморлар қурувчи-ю ҳашарчилардан миннатдор бўлишмоқда. Шу куни республика юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти мазкур шифохонани ўз оталиғига олганлигини маълум қилди. Қурилишга сарфланган 2 миллион 900 минг сўмга яқин пулни эса вилоят ҳокимлиги ўз зиммасига олиб, район бюджетига ўтказадиган бўлди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: ҳордиқ чиқариш пайти акс эттирилган.

Суратказ: В. ХАРИТОНОВ.

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА НАШРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида «Ўзбекистон халқлари тарихи» номли қўлланманинг биринчи жилди китоб бўлиб чиқди.

Бу асар ўлкамиз халқлари тарихини ҳеч қандай сиёсий ва мафкуравий тазйиқларсиз ҳаққоний ва холисона ёритиш йўлидаги дастлабки қадамдир. Уч жилддан иборат бўладиган бу қўлланма халқимизни ўтмишимизнинг ҳали бизга номаълум кўпгина саҳифалари билан таништиради.

Китоб олий ва ўрта ўқув юртларининг талабалари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун қўлланма вазифасини ўтайди.

(ЎзА).

ШАКАРНИНГ ОЗИ ШИРИН

• Пишиқчилик дамлари

Сумбула ойи бошланди. Ҳарорат анча мўътадиллашиб, оқар сувлар тиниқлашмоқда. Боғу-узумзорлар, полизу-пайкаллар саҳовати — ноз-неъматлар етилиб ,айни пишиқчилик дамлари авжга чиқмоқда. Биз эса, билиб қўйган яхши маъносида ширин-шакар қовун-тарвузларнинг ҳосияти, зарари, ейиш ва сақлаш тартиблари ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Илмий манбааларга қараганда қовуннинг маданий навлари ҳақида эрамиздан аввал ҳам билишган экан. Чунончи, Хоразмда ўтказилган археологик қазилмалар шундан далолат бермоқда Эрамизгача бўлган III асрга мансуб қовун уруғларининг топилиши фикримизнинг далилидир. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да қовуннинг ҳосиятлари ҳақида фикр юритиб: «...бу неъматнинг эти ва айниқса уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир... Терини тозалайди. Уруғи ва ичидаги нарсалар сепкил, доғ ва бошнинг кепагини йўқотишда фойда қилади. Қобиғи (пўчоғи) манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган нарсаларга тўсқинлик қилади... Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам пешоб ҳайдайди. Буйрак ва қовуғида майда тошлари бўлган беъморларга нафи тегади»..

Ибн Сино мадади — халқ табобати амалиётида қовун хаёлпарастлик, паришонхотирлик, диққинафас, бод, сил, жигар ва буйрак касалликларини даволашда қўлланиб келинади. Табиб Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад ал Оқилий ўзининг «Маҳзан-ул —адвия» («Даволар ҳазинаси») китобида етилган ширали қовунлар киши аъзоларидаги ёпишқоқ ва қуюқ моддалардан ҳоли қилишда, қонни суюлтиришда, хусусан, семиришда асқотиши ҳақида фикр юритган.

Ҳозир ҳам шифокорларимиз бир қанча касалликлардан фориғ этишда беморларга қовуннинг ҳосиятидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, нави айнамаган асл қовунлар асабга ором бериши, бавосил азиятларига малҳамлик қилиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, камқон болалар катталар назоратида қовунлардан тўйиб истеъмол қилиб юрсалар шифо топишлари амалда синаб кўрилган. Бунинг боиси қовун таркибида темир унсурининг борлигидир. Ана шу модда қоннинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

Тараклаган тарвузлар ҳақида нималар дейиш мумкин? Чўғдек қизарган, кам уруғ тарвузлар ғуборсиз ҳисобланади. Ўлкамизда етиштириладиган бу неъматнинг ҳосиятлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Халқ табобатида ва замонавий тиббиётда ҳам тарвуз турли хасталикларга буюрилади. Чунончи, истисҳо ва юқумли сариқ касаллигига чалинган кишиларга фойда қилади. Беморнинг ҳарорати кўтарилганда тарвуз шарбатидан ичиш айниқса нафлидир. Пишиб-етилган тарвузлардан тартиб билан мунтазам истеъмол қилишни ўрнига қўйган кишининг ўт пуфаги фориғ бўлиши, буйрак, тош-қумларининг камайиши кузатилган. Бундан ташқари бу неъматдаги қаднинг фруктоза шаклидаги кўриниши тарвузларни қандли диабет билан оғриган беморларга тавсия қилишга имкон беради.

Халқимизда шакарнинг ози ширин, деган нақл бор. Шунинг учун қовун-тарвузларимиз қанчалик етилган, шарбатга тўлган бўлмасин, уларни тановул этишда маълум қоида ва тартибларга риоя этилгани маъқул. Акс ҳолда ибн Сино таъкидлаганидек, киши нохуш аҳволга тушиб қолади. Хусусан, меъда бузилиши, кўнгил айниши мумкин. Шунинг учун қовун-тарвузларни овқатдан кейин кўнгилочар маъносида жудаям тўймасдан ейилса, яхши бўлади. Баъзи одамлар қовун-тарвуз егандан кейин қайнамаган сув, сут, пиво, шарбат, газли сув ёки музқаймоқ, ҳатто пирожное истеъмол қиладилар. Бу билан ўзларини қийнаб қўядилар. Шунингдек, қовундан кейин салат, холодец, балиқ истеъмол қилиш ҳам ярамайди. Яхшиси қовун ёки тарвуздан кейин бир-икки пиёла ачиққина чой ичилса, кўпгина нохушликларнинг олди олинган бўлади.

Яна бир гап. Қовун тарвузлар сўйилганидан кейин уни сақлашни ҳам ҳамма билади, дейиш қийин. Айтайлик шаҳарликлар музлатгичдан фойдаланиб, 24 — 48 соатгача мўътадил ҳароратда сақлашлари мумкин. Акс ҳолда биокимёвий жараёнлар натижасида зарарли моддалар ҳосил бўлиб, касаллик қўзғатиши мумкин. Очиқ дала жойларда сўйилган қовун-тарвузлар ортиб қолгудек бўлса, соя-салқин ерларда устига дока ёпиб, узоғи билан 5—6 соат сақласа бўлади. Шунда ҳам қайта ейишдан олдин юзидан яроқ ҳолида қирқиб ташлаш, ҳеч бўлмаса қириб ташлашни унутмаслик керак.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бугунги кунда бозор ва дўконларда сотилаётган қовун-тарвузларни «дори»лардан ҳоли деб бўлмайди. Ҳали полизни деҳқонларимиз шаҳарликларни тўғри тушуниб етишганича йўқ. Албатта, уларнинг кўпчилигида инсоф бордир. Лекин полизчиларимизнинг баъзилари ҳамон қовун-тарвузларни «пуфлаш» маъносида кимёвий моддаларни майдонларга қировосди қилмоқдалар. Тўғри, еримиз ўзига ҳос гиёҳванд бўлиб қолган. Лекин, истеъмолчиларнинг соғлиғи ҳақида ким ўйлайди? Сотувдаги қовун тарвузларнинг дориворлик миқдори қанчалик текширилмасин, айрим меъдани қийнайдиган неъматлар дастурхонимизгача етиб келяптики, оқибатда кишилар қовун-тарвуздан безиб қолишяпти. Дала соҳбикорлари бундай муаммо ҳақида жиддий ўйлаб, художўйлик билан иш кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Оқил ИСҲОҚОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг «Қишлоқ гигиенаси» ижодхонаси мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Маннон НАБИЕВ,
етакчи олим.

АМУДАРЁНИ БЕКОРГА ЎЖАР ДЕМАЙДИЛАР

• Дунё кезганлар

● Голландиялик сузувчи спортчи ,сайёҳ Рул Хандрикс ҳақида жаҳон газеталари ҳам жуда кўп илиқ сўзлар ёзишган.

Рул 1984 йилнинг ёзида Будапештдаги Дунай дарёсининг эни икки километрдан зиёд жойидан сузиб ўтиб, бу «машғулот»ни давом эттиришга қатъий қарор қилган эди. Жаҳондаги узунлиги 2,5 минг километрдан, эни эса икки минг метрдан кам бўлмаган барча йирик дарёлардан сузиб ўтиб, «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олиш унинг бирдан-бир орзуси бўлиб қолган эди. Рул аҳдига содиқ қолди ва шундан буён дунёда энг катта ҳисобланган дарёларнинг 74 тасидан мардонавор сузиб ўтди. Бундай дарёлар рўйхати аввалида Амазонка, Нил, Замбези, Обь, Енисей, Сариқдарё, Сирдарё сингари азим дарёлар бор.

Мана, ниҳоят Амударёга ҳам навбат етиб келди. 34 яшар Рул Хандрикс кўҳна ва ўжар, айни пайтда ҳар қачонгидан ҳам тошқин Жайҳуннинг қоидага кўра каналларга тақсимланмайдиган жойидан, яъни Туямўйин гидроузели тўғонининг юқори қисмидан шараф билан сузиб ўтди. У дарёнинг икки километрдан ҳам кўпроқ бўлган бу қисмини бор-йўғи 50 дақиқада сузиб ўтди.

— Амазонка дарёсини уч соатда сузиб ўтганман, лекин ўшанда бу галгидек чарчамаган эдим, — деди Рул ўнг соҳилга чиқиб, бироз нафасини ростларкан. — Ўркач-ўркач тўлқинлари ортиқчароқ куч, ҳафсала сарфлашга мажбур қилди. Лекин мана, барибир сузиб ўтдим.

Ўша куни, чиндан ҳам, ҳаво оқимининг йўналиши шимолдан, яъни ўнг соҳил томондан бўлиб, дарёнинг қучли мавжларида голландиялик спортчини анча уринтириб қўйган эди.

— Африка тимсоҳлари сузиб юрадиган Замбези дарёсидан ўтганимда ҳам бу галгидек чўчимаган эдим,— дейди кулимсираганча Рул Хандрикс. — Ахир Амударёнинг худди мана шу жойларида тимсоҳлардан қолишмайдиган баҳайбат лаққалар бор, деб мени бироз қўрқитишган ҳам эди-да! Хайрият, бу дарёдан ҳам эсон-омон ўтиб олдим!

Яқинда бўлган бу воқеага қўшадиган яна бир иловамиз шуки, Рул Хандрикс асли инженер-физик бўлиб, бир йилдирки, ҳеч қаерда ишламайди, давлатдан оладиган нафақа ҳисобига кун кечиради. Қайси мамлакатга борса, ўзига ҳамроҳ қилиб оладиган таржимонга ҳам у ўз ҳисобидан ҳақ тўларкан.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● Айлайин қалбимни тортиқ, Ўзбекистоним, сенга! (Абдулла Орипов ижодхонасида)

● Пуч уруғнинг ташвиши

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ 19-ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1992—1993 ўқув йили учун
10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни
АСАЛАРИЧИЛИК мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 10 ой. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1993 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юбориладилар.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юбориладилар. Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фойзини оладилар. Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади.

Ўқиш 1992 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

Билим юрти директори номига ариза, таржимаи хол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тафсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 катталикдаги 10 дона сурат, тиббий шаҳодатнома (086-У андозада), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент райони, А. Абдураҳмонов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, 19-ЎХТБЮ.

Телефон: 56-689 (Билим юртига келиш учун Тошкент метросининг «Чорсу» бекатидаги автостанциядан 466 ва «Тошкент-Сариёғоч» автобусларига чиқиб 19-ЎХТБЮ бекатига келинади).

ТОШКЕНТ СИЁСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ

қуйидаги курсларга

ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1. БЕШ ВА ЎН ОЙЛИК КУРСЛАРГА: «Халқаро иқтисодий муносабатлар (маркетинг)» ва «Иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш (менежмент)» мутахассисликлари бўйича. Ўқиш баҳоси муддатига қараб 7050 ёки 12400 сўм. Дарслар 2 сентябрь, беш ойлик ўқишнинг 2 потогида эса 1 февралдан бошланади.
2. УЧ ОЙЛИК МЕНЕЖЕРЛАР КУРСИ: баҳоси 5850 сўм. Дарслар 2 сентябрь, 1 декабрь, 1 мартда бошланади.
3. БИР ОЙЛИК «БИЗНЕС АСОСЛАРИ» КУРСИ (кундузги ва кечки): баҳоси 3740 сўм. Дарслар гуруҳлар шаклланишига қараб бошланади.
4. БИР ОЙЛИК «АГРОБИЗНЕС АСОСЛАРИ» КУРСИ: баҳоси 3740 сўм. Дарслар гуруҳнинг шаклланишига қараб бошланади.
5. БИР ОЙЛИК «ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КУРСИ»: баҳоси 3740 сўм. Дарслар гуруҳнинг шаклланиши билан бошланади.

Ўқув дастури олий маълумотли мутахассисларга мўлжалланган. Курсларга кириш учун пул тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, дипломнинг нусхаси, ариза ва 2 дона фотосурат талаб қилинади. Ўз ҳисобидан ўқувчилар пулни институт кассасига топширадилар.

Манзилимиз: 700137, Тошкент шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 54-уй. Сиёсатшунослик ва бошқарув институти. Тошкент саноат қурилиш банкининг Меҳнат бўлимидаги ҳисоб рақами 012700508, МФО 172682315, корр. ҳисоб рақами 300166415.

Телефон: 67-82-38; 67-14-46; 67-83-14.

ТАШКИЛОТ САТҲИ 60Х92 см, ҚАЛИНЛИГИ 70:120 гр/м² БЎЛГАН № 1 ОФСЕТ ҚОҒОЗИНИ СОТАДИ

Манзилгоҳимиз: Калининград вилояти, Неман шаҳри, Совет кўчаси, 25-уй. Телефонлар: (8-01162) 2-32-35, 2-27-35. Факс: 2-27-35.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Жумҳурият маънавий маданият тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари М. Олтибоевга волидаи мукаррамаси

Норсулув ая
СУЛТОН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг меҳнат аҳли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу-Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор

Қодир Зокирович ЗОКИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари курортларни бошқариш республика кенгаши «Луначарский» номидаги санаторийнинг собиқ бош шифокори Х. Асқаровга рафиқалари

Тоҳирахон АСҚАРОВАнинг

бевақт вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳуманинг жойлари жаннатда бўлсин. Ҳожи акамизга ва фарзандларига худо сабр-тоқат ато этсин.

Қомуслар Бош таҳририяти жамоаси Тарих илмий таҳририятининг катта муҳаррири Р. Умаровга умр йўлдоши

Салима УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикаси институтининг жамоаси институт илмий ходими Р. Сатторовга отаси

Саттор КАМОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати—33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида —3-25-70, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда— 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана»)—общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г—281.
№ 158.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.